# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

YR7868740163

1. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: Chilonzor tumani xalq ta'limi "SAXOVAT QURUVCHI" MCHJ bilan 11.11.2022-yildan № 8-sonli "pudrat shartnomasini tuzish to'g'risida"

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Chilonzor tumani xalq ta'limi bo'limi va "SAXOVAT QURUVCHI" MCHJ tomonidan 14.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Chilonzor tuman yuridik markaz markaz rahbari:**

**D.N.TILLAYEV**

14.11.2022

**ШАРТНОМА № 8**

Тошкент шахри "11" 11. 2022 йил

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Чилонзор туман халқ таълими бўлими номидан низом асосида иш кўрувчи **С.И.Мамадалиев** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **«SAXOVAT QURUVCHI» МЧЖ** номидан низом асосида иш кўрувчи **А.А.Рихсиев** иккинчи томонидан. Жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини тузилди.

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Пудратчи мазкур шартнома шартномага мувофик " **Чилонзор тумани 202 мактаб сантехникаларини жорий таъмирлаш "** бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил "08"ноябрдаги 171357 -сон лот) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **476 962 760** ( Тўрт юз етмиш олти миллион тўққиз юз олтмиш икки минг етти юз олтмиш сум 00 тейин ) сўм ҚҚС билан ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун майдонини Пудратчига бериш, тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Шартномага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб шартнома қонун ҳужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

10. Пудратчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 50 кунни ташкил этади.

## VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича 30 фоиз аванс ўтказади, бу **143088828** (Бир юз миллион саккиз юз саксон саккиз минг саккиз юз йигирма саккиз сўм 0 тийин ) сўмни ташкил этади.

13. Таъмирланаётган объектнинг қолган 70 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида бажарилган ишларнинининг форма-2 ва форма-3ларга асосан амалга оширилади.

## VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

15. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

16. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

18. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

19. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

20. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

21. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро

муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

22. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

23. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги таббиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. ТАЪМИРЛАНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

27. Таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

28. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

29. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XI. КАФОЛАТЛАР

30. Пудратчи:барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

31. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабридан кечикмаган холда камида 2 ой этиб белгиланади.

32. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

37. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

38. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

41. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

42. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

43. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

46. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

47. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

## XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

50. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар. 51. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар. 52. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради. 53. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали)содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш,солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт. 54. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидааги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик. 55. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар. 56. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 53- ва 54-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| Буюртмачи | Пудратчи |
|---|---|
| Ташкилот номи: | Ташкилот номи: |
| Адрес: | Адрес: |
| р/с: | р/с: |
| банк: | банк: |
| МФО: ИНН: | МФО: ИНН: |
| Директор ____________ | Директор ____________ |
| М.У. | М.У. |

Чилонзор туман Халк таълими булими<br>Чилонзор туман ц мавзе 2/1 уй 278-23-75<br>100022860262947092100075049<br>Марказий банк Тошкент ш. Б.Б. ХККМ МФО 00014 ИНН 200794376<br>Чилонзор туман Газначилик булими<br>23402000300100001010<br>ИНН 201122919

ООО «SAHOVAT QURUVCHI»<br>г.Ташкент, Учтепинский р-н, ул. Таджиева, дом 69<br>Р/С 20208000404981684001<br>Учтепинский филиал «Давр Банк» МФО 01086<br>ИНН 302322483 ОКОНХ 61110

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 005195-01 № 005195

2012 yil "08" iyun

Mazkur guvohnoma "SAXOVAT QURUVCHI"

yuridik shaxsga berildi.

THSHT (ОПФ) 1153

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

MSHT (ФС) 142

Mulkchilik shakli: Xususiy

MHBT (СОАТО) 1726262

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

A. TADJIEV KO'CHASI, 69-UY.

KTUT (ОКПО) 24101311

Yuridik shaxs kodi:

XXTUT (ОКОНХ) 61110

Asosiy faoliyat turi: Umumqurilish tashkilotlari

STIR (ИНН) 302322483

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami:

Qo'shimcha ma'lumotlar:

SAXOVAT QURUVCHI

SAXOVAT QURUVCHI

Vakolatli organ boshlig'i: A.M. YAKUPOV

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI
RIXSIYEV

ISMI
ABDUXAMID

JINSI
ERKAK

OTASINING ISMI
ABDULXAYEVICH

TUG'ILGAN SANASI
29 05 1982

TUG'ILGAN JOYI
TOSHKENT

MILLATI
O'ZBEK

KIM TOMONIDAN BERILGAN
TOSHKENT SHAHAR UCHTEPA
TUMANI IIB

SHAXSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT PASSPORT

| TURI / TYPE | DAVLAT KODI / COUNTRY CODE | PASPORT RAQAMI / PASSPORT No. |
|---|---|---|
| P | UZB | AB3426607 |



FAMILIYASI / SURNAME
RIKHSIEV

ISMI / GIVEN NAMES
ABDUKHAMID

FUQAROLIGI / NATIONALITY
UZBEKISTAN

TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH
29 05 1982

JINSI / SEX
M

TUG'ILGAN JOYI / PLACE OF BIRTH
TASHKENT

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE
19 03 2016

SHAXSLASHTIRISH ORGANI / AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION CENTRE

AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY
18 03 2026

P<UZBRIKHSIEV<<ABDUKHAMID<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<

AB34266075UZB8205292M26031843290582002005280

## MA'LUMOTLAR / OBSERVATIONS

A (II) Rh +
положительная
19 12 2020
подпись

## YASHASH JOYI / ADDRESS

Toshkent shahar Uchtepa tumani IIB
05 12 05

ENTRY

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 171357 на приобретение Услуга по текущему ремонту канализации и сантехники

Способ проведения электронный

Дата 08.11.2022

Время рассмотрения 08.11.2022 20:56

Закупочная комиссия Чилонзор тумани Халк таълими булими марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAMADALIYEV SOBIR IRGASHEVICH | Мудир | ХТБ Чилонзор тумани |
| **Секретарь комиссии** | NORMURODOV SANJAR BOZOROVICH | бош иқтисодчи | ХТБ Чилонзор тумани |
| **Член комиссии** | ABDURASULOV ZOXID RUSTAMOVICH | бош хисобчи | ХТБ Чилонзор тумани |
| **Член комиссии** | BATBAYEV AZIZ RADJAPOVICH | хисобчи | ХТБ Чилонзор тумани |
| **Член комиссии** | BOTIROV UTKIR RAXMONKULOVICH | Чилонзор туман ХТБ ЭТМ мутахассиси | Чилонзор туман ХТБ |
| **Член комиссии** | RASULOV ILXOM TURSUNBAYEVICH | Бош мутахасис | Чилонзор ХТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.11.2022 года № лота 171357.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту канализации и сантехники** |
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту канализации и сантехники |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 490 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 490 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Доимий равишда ишловчи ходимлар 12 тадан кам бўлмаган малакали ишчилар мавжудлиги my.mehnat.uz дастурига киритилганлигидан алоҳида ишчиларнинг нусҳалари, солиқдан уларнинг хар бирига тўланаётган солиқ хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Доимий равишда ишловчи ходимлар 12 тадан кам бўлмаган малакали ишчилар мавжудлиги my.mehnat.uz дастурига киритилганлигидан алоҳида ишчиларнинг нусҳалари, солиқдан уларнинг хар бирига тўланаётган солиқ хақида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONA TAMIRLASH | 15 | Доимий равишда ишловчи ходимлар хакида маълумот | 15 | Экспертная | | |
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 15 | ишчилар | 15 | Экспертная | | |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | 15 | 15 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иш тажрибаси 3 йил бўлиши лозим, ишни ўз вақтида бажариб бериши учун кафолат хати ва корхонанинг охирги 6 ойлик банк оборот маълумотномаси (банк томонидан тасдиқланган бўлиши керак, эълонга қўйилган давр учун)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш тажрибаси 3 йил бўлиши лозим, ишни ўз вақтида бажариб бериши учун кафолат хати ва корхонанинг охирги 6 ойлик банк оборот маълумотномаси (банк томонидан тасдиқланган бўлиши керак, эълонга қўйилган давр учун)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONA TAMIRLASH | 20 | ишни ўз вақтида бажариб бериши учун кафолат хати | 10 | Экспертная | | |
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 20 | иш тажрибаси | 20 | Экспертная | | |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | 20 | 20 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 ЎРҚ 684-47 бандига асосан инсофсиз рўйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома (эълонга қўйилган давр учун), Объектнинг охирги 30% қолдиқ суммасини қурилиш назорат ўлчови қилингандан сўнг тўлаб берилишига розилик хати, Давлат солиқ қўмитасидан 2021-2022 йиллар учун молиявий натижа ва баланс нусхасидан кўчирма

Тип: Текстовое значение

Описание: ЎРҚ 684-47 бандига асосан инсофсиз рўйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома (эълонга қўйилган давр учун), Объектнинг охирги 30% қолдиқ суммасини қурилиш назорат ўлчови қилингандан сўнг тўлаб берилишига розилик хати, Давлат солиқ қўмитасидан 2021-2022 йиллар учун молиявий натижа ва баланс нусхасидан кўчирма

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONA TAMIRLASH | 5 | инсофсиз етказиб берувчилар рўйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома | 5 | Экспертная | | |
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 5 | розили хати | 5 | Экспертная | | |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг салоҳияти (рейтинг категорияси),фаолияти тўғрисида маълумот , Коррупция ҳолатларга йўл қўйилмаслиги тўғрисида иштирокчининг ёзма тасдиқланган аризаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг салоҳияти (рейтинг категорияси),фаолияти тўғрисида маълумот , Коррупция ҳолатларга йўл қўйилмаслиги тўғрисида иштирокчининг ёзма тасдиқланган аризаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONA TAMIRLASH | 5 | рейтинг категорияси | 5 | Экспертная | | |
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 5 | рейтинг | 5 | Экспертная | | |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | 5 | 5 | 4 | Экспертная | | |

Критерий №5 Бажариладиган ишлар муддати, сифатига кафолат хати, ҳисоб рақамдаги маблағнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажариладиган ишлар муддати, сифатига кафолат хати, ҳисоб рақамдаги маблағнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONA TAMIRLASH | 5 | Бажариладиган ишлар муддати, сифатига кафолат хати | 5 | Экспертная | | |
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 5 | кафолат хати | 5 | Экспертная | | |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | 5 | 10 | 3 | Экспертная | | |

Критерий №6 Тижорат таклифи ва Офёрта (ф-5 куринишида), смета хужжатларида курсатилган иш турларини узгартирмасдан бажариб беришга кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Тижорат таклифи ва Офёрта (ф-5 куринишида), смета хужжатларида курсатилган иш турларини узгартирмасдан бажариб беришга кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONA TAMIRLASH | 10 | Офёрта (ф-5) | 5 | Экспертная | | |
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 10 | аферта | 5 | Экспертная | | |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | 10 | 10 | 1 | Экспертная | | |

Критерий №7 Буюртмачи (ХТБ инженери билан биргаликда ва унинг имзоси бўлиши керак) билан объектни олдиндан кўздан кечириш далолатномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи (ХТБ инженери билан биргаликда ва унинг имзоси бўлиши керак) билан объектни олдиндан кўздан кечириш далолатномаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО ZAMONA TAMIRLASH** | 20 | Объектни олдиндан кўздан кечириш далолатномаси | 20 | Экспертная | | |
| **SAXOVAT QURUVCHI MCHJ** | 20 | обектни курганлик | 20 | Экспертная | | |
| **LABZAK BINOKOR MCHJ** | 20 | 20 | 1 | Экспертная | | |

Критерий №8 Танловдаги объектга ўхшаш бюджет объектларидаги шартномалар ва рўйхати, охирги 3 йиллик иш тажрибаси ва охирги бюджет ташкилотларида ишлаган объект буюртмачиларидан тавсиянома

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш бюджет объектларидаги шартномалар ва рўйхати, охирги 3 йиллик иш тажрибаси ва охирги бюджет ташкилотларида ишлаган объект буюртмачиларидан тавсиянома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО ZAMONA TAMIRLASH** | 10 | Танловдаги объектга ўхшаш объектларидаги шартномалар хакида малумот | 8 | Экспертная | | |
| **SAXOVAT QURUVCHI MCHJ** | 10 | ишлар руйхати | 10 | Экспертная | | |
| **LABZAK BINOKOR MCHJ** | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №9 Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва асбоб ускуналар мавжудлиги, уларнинг сони тўғрисидаги маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва асбоб ускуналар мавжудлиги, уларнинг сони тўғрисидаги маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО ZAMONA TAMIRLASH** | 5 | зарурий техника ва асбоб ускуналар мавжудлиги хакида маълумот | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 5 | техникала | 5 | Экспертная | | |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №10 Корхона ҳақида умумий маълумотлар, гувоҳнома, устав, банк ва солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (эълонга кўйилган давр учун)

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона ҳақида умумий маълумотлар, гувоҳнома, устав, банк ва солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (эълонга кўйилган давр учун)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO ZAMONA TAMIRLASH | 5 | Корхона ҳақида умумий маълумот | 5 | Экспертная | | |
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 5 | умумий малумот | 5 | Экспертная | | |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 490 000 000.00 | 476 962 760.00 UZS | 476 962 760.00 | 00.00 | 476 962 760.00 | 29.10.2022 13:38:21 | 0 |
| OOO ZAMONA TAMIRLASH | 490 000 000.00 | 475 555 666.00 UZS | 475 555 666.00 | 00.00 | 475 555 666.00 | 29.10.2022 13:02:47 | 0 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| SAXOVAT QURUVCHI MCHJ | 95 | 0 | 95 |
| LABZAK BINOKOR MCHJ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| OOO ZAMONA TAMIRLASH | 83 | 0 | 83 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 171357 от 08.11.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту канализации и сантехники определила победителем:

SAXOVAT QURUVCHI MCHJ
302322483

и резервный исполнитель: ООО ZAMONA TAMIRLASH (306327853)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAMADALIYEV SOBIR IRGASHEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDURASULOV ZOXID RUSTAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BATBAYEV AZIZ RADJAPOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BOTIROV UTKIR RAXMONKULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | RASULOV ILXOM TURSUNBAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Чилонзор тумани ХТБ мудири**

**Танлов комиссияси раиси**

______ **С.И Мамадалиев**

**Маҳсулот (товарлар) етказиб берувчи, ишлар бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилот ва корхоналарни танлаб олиш бўйича танлов ўтказувчи Чилонзор туман халқ таълими бўлими комиссияси мажлисининг**
**9-сонли Б А Ё Н И**

11 ноябр 2022 йил — Тошкент шаҳри

| | |
|---|---|
| Раислик қилувчи: | С.И.Мамадлиев – Чилонзор туман ХТБ мудири |
| Иштирок этдилар: | З.Р.Абдурасулов - Туман ХТБ, бош хисобчиси |
| Комиссия котиби | С.Нормуродов- Туман ХТБ, Бош иқтисодчи котиб |
| Камиссия аъзолари; | У.Ботиров -М.Т.Э булими мутахасисси |
| | А.Ботбаев – ТМБ хисобчи |
| | И.Расулов - М.Т.Э булими бош мухандисти |

**КУН ТАРТИБИ**

Чилонзор тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 202-сонли умумтаълим мактаб хожатхоналарини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши.

---

С.И.Мамадлиев, З.Р.Абдурасулов, У.Ботиров, А.Ботбаев, С.Нормуродов

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими марказлашган молия- бухгалтерия хизматлари томонидан 2022 йил 03 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Тавар хом-ашё биржасининг энг яхши таклиф » порталига мактаб хожатхоналарини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун № 171357 лот рақами билан элонга жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 08 ноябрь энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали

орқали шаклланган “ мактаб хожатхоналрини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш ” бўйича баённомасига асосан элон якунига кура Комиссия аъзолари томонидан **«SAXOVAT QURUVCHI» МЧЖ** корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “ давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3- бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки кунига жойлаштирилди. 2022 йил 11 ноябрь куни икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баёнома бўйича хеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Чилонзор туман ХТБ бош хисобчиси З.Абдурасуловга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 31 октябрьдаги электрон баённомага асосан ғолиб **«SAXOVAT QURUVCHI» МЧЖ** корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилагн тартибда шартнома тузилсин.

3. Муҳандис: И .Расуловгага хизмат кўрсатиш сифат даражасини назорати хамда бажарилган ишни қабул қилиш юклатилсин.

4. Комиссия аъзолари:

З.Р.Абдурасулов - Туман ХТБ, бош хисобчиси

У.Ботиров -М.Т.Э булими мутахасисси

А.Ботбаев – ТМБ хисобчи

И.Расулов - М.Т.Э булими бош мухандисти

С.Нормуродов -ХТБ бош иқтисодчи котиб